



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (13.922)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭРТАНГИ КУНГА МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6-7 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида ўша ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун алоҳида-алоҳида режалар қилиш аҳамията айланди. Фарғона вилоятига ташриф ҳам шундай бўлди.

Шавкат Мирзиёев 6 май куни вилоятдаги йирик лойиҳалар билан танишар экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан туманларга саноатни олиб кириш, бандликни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ҳудудда ўтган бир йилда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, келаси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама этилди. Дунё бозорига чиқиш учун рақобатбардор бўлиш, саноат ўртасида ривожланган туманларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, энг асосийси, вилоят иқтисодиётига сармоя, технология ва инновацияларни жалб этиш бўйича тегишли йўналишлар белгиланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят фаоллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нурунийлар, тадбиркорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида йиғилганларни, бутун халқимизни Рамазон ойи ҳамда яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш куни билан табриклади.

2018 йили Фарғона вилоятида саноат 8 фоиз, хизмат кўрсатиш 9 фоиз, ўзлаштирилган инвестициялар 1,5 баробар ўсган. Лекин аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан анча пастлиги, Қўштепа, Фурқат, Олтиариқ, Фарғона, Ёзёвон туманларида саноат ривожланмагани қайд этилди.

Шу боис вилоятни 2019-2020 йилларда ривожлантириш бўйича умумий қиймати 26 триллион 401 миллиард сўмлик 643 та лойиҳадан иборат янги ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида 2,5 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилади ва 31 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Масалан, Бешариқ туманида "Фарғона Ясин қурилиш моллари" корхонасида 200 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, жорий йилда 800 минг тонна ва кейинги йилда 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўқон шаҳрида "Индорама" компаниясининг 70 миллион доллар тўғридан-тўғри сармоси ҳисобидан Қўқон суперфосфат заводи модернизация қилиниб, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш қуввати 100 минг тоннадан 375 минг тоннага етказилади. Учқўприк туманидаги "Шаффорк омадди саноат" корхонасида

жами 30 миллион доллар сармоя ҳисобидан автотомобиллар учун йилга 350 минг донга газ баллонлари, 2020 йилдан юк кўтарувчи электр қаралар, мини-тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга дастурдаги ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаб, ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Фарғона вилоятига инвестиция олиб келиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир йил фавқуллодда сафарбарлик эълон қиламиз. Ана шунда ўзгариш бўлади. Келаси йил май ойида ҳокимликлар, барча вазирликлар қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беради, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларни аниқлаб, икки-уч ой ичида уларга белгиланган миқдордаги имтиёзли кредитларни тўлиқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Фарғона – мохир хунармандлар, уста дехқонлар юрти. Бу ернинг кўнчилиқ, бойдорчилик аъёнлари – тайёр бренд. Бундан фойдаланиб, вилоятда чарм ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, "Чарм-атторлик маркази" ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Келгуси икки йилда Олтиариқ туманида 3 минг гектар майдонда узумчилик, Кува туманида 2 минг гектарда анорчилик, Қувасой шаҳрида 2 минг гектар майдонда гилосчилик кластерлари ташкил этилиши маълум қилинди. Ушбу кластерлар ўзлари мева етиштириш билан бирга аҳолидан ҳам сотиб олади. Бунинг учун хонадонларга 15 миллион туп ток, 10 миллион туп гилос ва 5 миллион туп анор кўчатлари етказиб берилди. Бу ҳам аҳоли даромадларини, ҳам вилоят экспорт салоҳиятини оширади.

Яқин йилларда Олтиариқ туманини тўлиқ узум етиштиришга иқтисослаштириш, илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университети олимларининг тавсиялари асосида боғ ва ток қатор ораларида бозорбоп сабзавотлар етиштириш режалаштирилгани таъкидланди.

Вилоятда жорий йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 45 та қишлоқ ва 15 та шаҳар маҳалласида 8 мингта ховли-жой, 327 та кўп қаватли уй, юзлаб километр йўллар, ичимлик сув ва электр тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида 326 миллиард сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Натижада 212 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланади.

Фарғона, Қўқон, Қувасой ва Марғилон шаҳарларида 14 та кўп қаватли арзон уй, 145 та кўп қаватли тижорат уйлари, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 252 та яқка тартибдаги ва 54 та кўп қаватли арзон уй-жой барпо этилади.

Йиғилишда ёшлар масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Вилоятда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 970 минг бўлиб, улар билан ишлаш масаласи ҳар доим диққат-эътибор марказида бўлиши қайд этилди. Шунинг билан бирга, ёшлар билан ишлаш бўйича "Фарғона тажрибаси"ни яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Жорий йилда 46 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар шакллантирилган. "Ёшлар – келажакимиз" Давлат дастурига мувофиқ, 208 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратиш орқали 867 та лойиҳани амалга ошириш ва 7 минг иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Президентимиз бешта муҳим ташаббус бўйича Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар қилинаётгани, уларнинг ижроси ҳар бир ҳокимлик ва вазирликнинг асосий вазифасига айланиши кераклигини таъкидлади.

Беш муҳим ташаббус – янги сиёсатимиз. Уларни амалга ошириш бўйича Бўка тумани намуна сифатида танлаб олинди. Ҳар бир туман ҳокими беш ташаббусни жорий этиш бўйича йил якунида ҳисобот беради. Беш ташаббус ижроси доирасидаги ҳамма ишлар мактаб атрофида муҳим бўлиши керак. Улардаги спорт заллари, клублар болаларга берилиши, ёшларимиз бу ерга келиб спорт билан шугулланиши, китоб ўқиши, ахборот технологияларини ўрганиши, баркамол бўлиб улғайиши лозим. Иқтисодиёт қандай ривожланса, беш ташаббус доирасидаги ишларга ҳам шундай эътибор қаратасан ҳамиятимизда муҳит ўзгаради, одамларимизда ҳаётга ишонч ортади. Бу баланд парвоз гаплар эмас ҳаёт-мамотимиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Очик мулоқот тарзида ўтган йиғилишда сўзга қиққанлар Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда амалга оширилаётган илмий-ислоҳотлар ҳудудлар ҳаётида ҳам аксини топаётгани, бундан аввало одамлар рози бўлаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, айрим масалалар бўйича мавжуд муаммолар ўртага ташланди. Давлатимиз раҳбари кўтарилган ҳар бир муаммони жойида ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**



МАМЛАКАТИМИЗДА

- "Чирчик" ҳарбий полигонига Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган танк биатлони мусобақаларининг финал босқичи ва ҳарбий техника паради бўлиб ўтди.
- Янгийўл туманида "Ўзғоймоносаноати" ёғ-мой саноати корхоналари ассоциацияси томонидан соя ўстиришнинг агротехнологик жиҳатларига бағишланган илмий-амалий семинар-тренинг ўтказилди.
- Андижон вилояти Хонобод шаҳрида "Хонобод таровати" анъанавий ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Халқ сайли тарзида ўтган фестиваль вилоятдаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, уюлмаган ёшлар вакиллари иштирокида ҳаваскорлар ўртасидаги велопоёғ мусобақаси билан бошланди. Тадбир якунида турли танлов ва спорт мусобақалари, кўргазмаларнинг голиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди.
- "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишларни Қорақалпоғистон Республикасида мувофиқлаштириш бўйича масъул этиб белгиланди. Ҳар бир ҳудудда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини муваффақиятли ижро этилишининг муҳим омилдир. Ана шундай марказлардан навбатдагиси Чимбой туманида иш бошлади. Марказ "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ молиявий кўмағида барпо этилди. Бу ерда аҳолига тадбиркорлик кўникмалари бериш, кам таъминланган оилаларга имтиёзли микрокредит ажратишда тегишли ҳужжатларни марказнинг ўзидан шакллантириш учун барча шароитлар яратилди.

ЖАҲОНДА

- Ҳиндистондаги Ҳимолай тоғларида ҳарбийлар томонидан қор одам – Йетининг қор устидаги оёқ излари топилди ва унинг тасвирлари кенг оммага намойиш этилди. Ҳарбийлар ушбу тасвирларни ўрганиб чиқиш учун олимларга топширишди.
- Мисрда Хеопс пирамидалари атрофидан бундан 4500 йил аввал ҳаёт кечирган мўмиёланган икки кишининг қўш тобути топилди. Ҳозирда мўмиёланган таналарни ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.
- Машғулот пайтида ногаҳон инфаркт хасталигини бошидан ўтказган Португалиянинг "Порту" футбол жамоасининг дарвозабони, бир неча бор жаҳоннинг энг кучли дарвозабони деб топилган 37 ёшли Икер Касильяс касалхонадан чиқди. Унинг аҳволи ёмон бўлмасида, бироқ Касильяснинг эндиликда ўз жамоасига ёрдам бера олмаслиги аниқ.

ҚИСҚА САТРАПДА

- **Пойтахтимиз туманларида бўлиб ўтган "Ташаббус – 2019" кўрик-тапловининг туман босқичлари ўз ниҳоясига етди. Тошкент шаҳар босқичи эса 12 июнда "Ёшлар ижод саройи"да ўтказилиши режалаштирилган.**
- **Шаҳримиздаги "Нито агепа" муз саройи очик майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Ёшлар марказида "Ёш тадбиркор – келажакка элтувчи ҳамкор" маърузида семинар ўтказилди.**

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 23 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси томонидан "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шиори остида тадбир ташкил этилди.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Дастлаб партия депутатлари ва фаолларидан иборат гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган болалар ҳолидан хабар олиб, уларга хурмат ва эҳтиром кўрсатди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги фахрийлар хонадонларига борилиб, совға-саломлар билан улар кўнгли шод этилди.

Шундан сўнг тинчлик йўлида жасорат кўрсатган табаррук ёшдаги нурунийларни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий ишлар, бунёдкорлик намуналари билан таништириш мақсадида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадимчилари, янги қурилатган иншоотлар бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Тадбир доирасида партия фахрийлари ва фаоллари, депутатлар ҳамда "Ёш адолатчилар" қаноти

Қарор ва ижро

МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Бугунги кунда "Ўзчарманоат" уюшмаси таркибида 507 ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 55 таси чарм ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, 299 таси пойабзал, 60 таси чарм-атторлик маҳсулотлари, 64 таси чармдан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Шунингдек, уюшма 29 та замонавий кушхонага ҳам эга.

Мазкур корхоналарда сифатли ва харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,9 миллион жуфтни, 2018 йилда бу кўрсаткич 58,1 миллион жуфтни ташкил этди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 5,4 баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, чарм-атторлик маҳсулотлари 2,7 баробар, халқ истеъмол моллари 2,4 баробар кўп ишлаб чиқарилди.

Миллий матбуот марказида экспортбоп маҳсулотлар тури ва хилларини кўпайтириш, соҳага инвестиция жалб қилиш борасида белгиланган чора-тадбирларга бағишланган анжуманда бу ҳақда маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 майдаги "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Шунингдек, соҳа ривожига инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳам муҳим замин яратмоқда. Масалан, 2018 йилда 129,9 миллион долларлик, шундан 48,5 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш ҳисобига жами 96 та инвестиция лойиҳаси амалга оши-

рилди. Бу 2017 йилга нисбатан 5,3 баравар ўсиш даражасини кўрсатди.

– Республикаимизда чарм хом ашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини назарда тутган мақсадли дастурларни рўйбга чиқариш асосий вазифамиздир, – деди ЎЗА мухбирига "Ўзчарманоат" уюшмаси раиси ўринбосари Мирсаид Зоҳидов. – Шу билан бирга, маҳсулотларни чет элга сотиш ҳажмини ошириш ва тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалий чоралар кўриломоқда. Жорий йилга мўлжалланган 120 инвестицион лойиҳани муваффақиятли бажариш натижасида 73 янги корхона барпо этиш ҳамда фаолият юритаётган корхоналарнинг 47 тасида модернизация ишларини якунлаш кўзда тутилган.

Йил якуни бўйича тармоққа жалб этиладиган 150 миллион АҚШ доллари атрафидаги инвестициялар ҳисобига мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Уюшма томонидан тайёр чарм-пойабзал маҳсулотларини экспорт қилишни таъминлаш борасида ҳам бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

**М.ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА мухбири**

Бугунги кунда давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инвестицион муҳитни янада эркинлаштириш ҳамда ижодкорларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, тадбиркорларнинг бу имкониятлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда муаллифлар ва турдош ҳуқуқ субъектлари қонуний манфаатларига риоя қилиши долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатнинг инновацион ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида, биринчи навбатда, интеллектуал мулк объектларининг қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги муҳим ўрин тутди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар учун давлатнинг таъсир чораларини белгилаш ва қўлайтириш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Жинойт, Жинойт-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисида кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини белгилашни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бунда кодексга киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларни тайёрлаш жараёнида Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия, Швеция, Дания Кирилли, Хитой, Япония, Эстония, Россия, Беларусь, Украина, Қозғоғистон каби илгор мамлакатларнинг тажриба ва амалиётлари ўрганилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 феврал-

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛДИ

даги "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "хуфийна иқтисодиёт" шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш бўйича устувор вазибалар белгиланган эди.

Ҳақиқатда ҳам бугунги кунда барча турдаги савдо мажмуаларига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим қўштирноқ ичидида тадбиркорлар томонидан "контрафакт" маҳсулотлар олди-сотдиси ёки ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларига путур етказадиган ҳолда уларнинг товар ёки хизмат белгисига айнан ўхшаш ёки истъомчиларни жалғатиш хусусиятига эга маҳсулотлар савдоси билан шуғулланадиган "тадбиркорлар" фаолият юритмоқдаки, улар нафақат ўша товар ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг манфаатларига, балки мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тугган имижига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Биламизки, қонунчиликка мувофиқ, бозорларда товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товардан рухсат берил-

маган тарзда фойдаланиш, улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш товарларни фуқаролик муомаласига киритиш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш, деб эътироф этилади.

Эндиликда кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, шунингдек, асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини тақрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш ҳолини тўғрисида, шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгалари ҳақида ёлгон ахборотни кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Албатта, юқоридидаги норманинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда акс эттирилиши фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари меҳнатини рағбатлантириш, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ўз меҳнатига яраша ҳақ

олишини таъминлаш, мамлакатимизда маданият ва санъатни янада кенг тараққий эттиришга ҳамда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, саноат мулки объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида ҳам кодексга тегишли қўшимчалар киритилди. Хусусан, тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни руҳсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга тақлиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб турганлик учун жарима кўринишидаги жавобгарлик чораси қўлланилиши ўрнатилди. Бу чора ихтиро патенти билан муҳофазаси қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофазаси қилинаётган усулда тайёрланган маҳсулотнинг фуқаролик муомаласига киритиш, шу мақсадда сақлаб турганлик учун ҳам қўлланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инновацион фаолиятни кенг ривожлантириш баробарида, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини амалиётга жорий этиш ва уларни тижоратлаштириш тараққиёт гаровидир. Шу нуқтаи назардан, мазкур жавобгарлик чораларининг белгиланиши патент эгалари ҳуқуқларининг муҳофазаси қилиниши билан биргаликда жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги директори вазифасини бажарувчи

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАГИ "ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 1-СОН ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 143-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажми тўғрисида"ги 402/46-5-сон, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 172/1-19-сон ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги 357-сон, халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгашининг 2019 йил 26 апрелдаги 231/1-25-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгашининг 2019 йил 26 апрелдаги "Шайхонтоҳур туманининг 2019 йил учун мўлжалланган маҳаллий бюджет параметрларининг даромадлар қисмига ўзгартириш тўғрисида"ги 231/1-25-сон қарорига мувофиқ, Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетининг даромад ва харажатлар қисмини, мақсадли ижтимоий трансфертларнинг миқдорини, умумдават солиқларидан ҳисобланадиган меъёрларни ва айланма касса маблағларининг чегаравий миқдорига ўзгартиришлар киритишга рухсат берилганлиги инобатга олинсин.

2. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2019 йил 4 январдаги "Шайхонтоҳур туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1-сон қарорининг:

а) 1-иловаси мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ;

б) 3-иловаси мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ янги тахрирда баён қилинсин.

3. Туман молия бўлими (Х.Камалитдинов): туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Тадбиркорлик ва иқтисодиёт масалалари бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари мажмуаси, Иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими (О.Ғолимов), туман давлат солиқ инспекцияси (А.Валиев), туман молия бўлими (Х.Камалитдинов) билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг умумий йиллик миқдоридан келиб чиқиб, солиқ Концепцияси бўйича таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда чораклик прогноз кўрсаткичларини мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

5. Туман ҳокимлиги девони (Э.Усмонов), Матбуот хизмати (У.Абдушохидов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.shayhontohur.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи
Р.Мавланов

2019 йил 3 май

СУГУРТА КОМПАНИЯСИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ қошида ташкил этилган "PSB Insurance" суғурта компаниясига суғурта фаолияти билан шуғулланишга рухсат берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 20 мартдаги буйруғига асосан "PSB Insurance" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги суғурта компаниясига суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия берилди.

"PSB Insurance" суғурта компанияси умумий суғурта соҳасининг 17 класс бўйича ихтиёрий суғурта амалга оширади. Хусусан, компания бахтсиз ҳодисалар ва касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш, ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш, авиация ва денгиз суғуртаси, йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш, мол-мулкни оловдан, табиий офатлардан ҳамда зарардан суғурталаш, автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, кредитларни ҳамда кафилиликни суғурталаш, бошқа молиявий таваккалчиликларни суғурта қилиш сингари йўналишларда хизмат кўрсатади.

"PSB Insurance" суғурта компаниясининг ташкил этилиши "Ўзсаноатқурилишбанк" миқозларига банк-молия хизматларини комплекс тарзда кўрсатиш имконини беради.

Банк Ахборот хизмати

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар

САЙЛОВЛАР ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТДИ

Бектемир туманидаги Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида "Чашма" маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуни маҳалла ҳаёти, фаолиятига оид мезонларни белгилаб берди. Сайлов жараёнидаги демократлаштириш мақсадида қабул қилинган қонун маҳалла институти ривожидидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

"Чашма" маҳалласининг 1 миң 349 нафар аҳолисининг 566 нафар сайлаш ҳуқуқига эга. Сайловда раисликка номзод этиб амалдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кунтуғмиш Ахқулов ва Таваккал Акбаровлар қўйилди. Номзодлар маҳалла ахли уларга ишонч билдиришга келгусида қўллаб-қўллаш ишларини амалга оширишлари хусусида гапириб беришди.

— Шу кунларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳалла раиси (оқсоқоли) сайлови жараёни кўзгидан ўтказилди. Катта ҳаётий тажрибага эга, фидойи инсонлар орасида танлаб олиниши лозим. Тумандаги "Оқибат" маҳалласида ўтказилган сайловда бунга тўла амал қилинди. Катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, зиёли инсонлар номзод сифатида кўрсатилди.

Сайловда кўпчилик овоз билан "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб Муҳаммад Юлдашев сайланди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари раислигига сайловларнинг очкилиги, шафқатлиги ва адолатчилиги таъминланмоқда. Буларнинг бари юртимизда маҳаллалар фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далолатидир.

(Ўз мухбиримиз)

Натихаларга кўра сайлов жараёнида амалдаги раис К.Ахқулов "Чашма" маҳалласи оқсоқолигига қайта сайланди.

Мирзо Улугбек туманида ҳам сайлов жараёнига кизгин тайёргарлик кўрилди. Хар бир маҳаллада сайловларни очкилик, ошқоралик асосида ва талаб даражасида ўтказиш учун маҳалла фаолларидан тузилган ишчи гуруҳлари, туман ва шаҳар миқёсида кўмаклашувчи комиссиялар иштирокида сайловолди тадбирлар, учрашувлар, семинарлар ўтказилди.

Мавжуд қонун-қоидаларга кўра сайлов жараёнида номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обу-эътиборга ҳамда ҳаётий тажрибага эга, фидойи инсонлар орасида танлаб олиниши лозим. Тумандаги "Оқибат" маҳалласида ўтказилган сайловда бунга тўла амал қилинди. Катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, зиёли инсонлар номзод сифатида кўрсатилди.

Сайловда кўпчилик овоз билан "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб Муҳаммад Юлдашев сайланди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари раислигига сайловларнинг очкилиги, шафқатлиги ва адолатчилиги таъминланмоқда. Буларнинг бари юртимизда маҳаллалар фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далолатидир.

(Ўз мухбиримиз)

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ ЯНГИДАН ЧИРОЙ ОЧДИ

Тошкентнинг Увайсий маҳалласи ҳақида эшитгансиз. Бу каби обод гўшалар пойтахтимизда тобора кўпаймоқда. Маҳалла обод шариотларда меҳнат қилганга нима етсин.

Меҳр-муруват ойи арафасида Чилонзор тумани "Катта Қозиробод" маҳалла марказининг янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, "Маҳалла" ҳамда "Нуроний" жамғармалари вакиллари, фаоллар тақлиф қилинди.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз ташаббуси билан "Обод маҳалла" дастури доирасида ҳудудлар тубдан чиroy очаетгани, янги-янги бинолар қад ростлаётгани, "Катта Қозиробод" маҳалласи ҳам шулардан бири эканлигини таъкидлашди.

Сектор раҳбари А.Комилловнинг маълумот беришича, "Катта Қозиробод" маҳалласи 2-сектор таркибига кирувчи 11 та маҳалланинг энг йирикларидан бири. Ушбу маҳалладан республикамизга таниқли зиёлилар етчиб чиққан.

Туман ҳокими ва сектор раҳбари марказ биносини очиб берди. Ташриф буюрганлар маҳалла бино-



сида яратилган шариотлар таниши. Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, про-филактика инспектори, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустахкамлаш бўйича мутахассислар учун алоҳида хоналар, бундан ташқари маж-лисла залли, газна, сарта-рошхона, пойабзал таъ-мирлаш устахонаси учун алоҳида шариотлар яра-тилган.

— Маҳалламизда 8 миң-дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Катта

Қозиробод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Расул Қосимов. — Ушбу марказни ташмирлаш, қайта қуриш ишларига 5 ой вақт кетди. Мана бугун марказимизни очилиш маросимини ўтказ-япмиз. Биз бундан хурсанд-мизмиз. Маҳалламизда ҳам таъ-минланган, муҳтож оилалар-га доимо ёрдам бериб ке-линади. Яқинда 2 та оила-нинг уйи таъмирдан чиқариб берилди, бир оиланинг уйи янгидан қуриб берилмоқда. Тадбирда анъанага кўра ош тортилиб, эзгу ниятлар бил-дирилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР, КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг жорий йилнинг биринчи чораги фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда мамлакатимизга келган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони, туризмни ривожлантириш борасидаги ҳуқуқий асослар, хавфсиз туризм концепциясини таъминлаш тўғрисида ОАВ вакилларига ахборот берилди.

Кайд этилганидек, 2019 йил биринчи чорагида мамлакатимизда 2 миңдан зиёд хоналарни ўз ичига олган 40 та меҳмонхона қуриб битказилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 21 миң 300 хонадан иборат 966 та меҳмонхона фаолият юритади. Йил охиригача 7 миң хонага эга 140 та янги меҳмонхона қурилиши кўзда тутилмоқда. Агар 2017 ва 2018 йилларда хоналар сони 4 ва 5 фозгача ошган бўлса, жорий йилда эса хоналар сони 37 фозгача ортиши кутилмоқда. Бу эса меҳмонхоналарда жойлар етишмаслиги муаммосини деярли хал қилади.

Инвесторларнинг меҳмонхоналарни қуриш учун қилган харажатларини компенсация қилиш ва жаҳоннинг таниқли бренд меҳмонхоналарини давлат бюджети ҳисобидан жалб этиш мақсадида шаффоф механизмлар жорий этилди ҳамда меҳмонхоналарга маблағ ажратиш жараёнини баҳолашга "Катта тўртлик" компанияларининг бири "КРМГ"дан вакиллари жалб қилиш бўйича келишув имзоланди. Туркия ва Жанубий Кореяда кичик меҳмонхоналар қурилиши тажрибасидан келиб чиқиб, бир 8 турдаги 8 (2 хил), 16, 26, 32, 40 (2 хил) ва 50 хонали меҳмонхона лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Айрим мамлакатлар фуқаролари учун виза тизимининг бекор қилиниши, хорижий фуқаролар учун қисқа муддатли бериладиган ижара тартибини соддалаштириш, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш, хусусан, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик ва рақобатни ривожлантириш мақсадида хар бир ҳудуд иқтисодиётида туризмнинг улушини аниқлаш имконини берувчи ҳудудий туризм статистикасини такомиллаштириш шулар жумласидан.

Ешларни тадбиркорлик билан шуғулланишни рағбатлантириш ва туризм соҳасида уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 600 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилган танлов ташкил этилди.

Нодавлат секторларни институционал қўллаб-қувватлаш мақсадида кўмита гастрономик ва экстремал туризмни ривожлантириш бўйича ННТнинг умумий қиймати 1,2 млрд. сўмлик 6 лойиҳани молиялаштирди.

Қолаверса, бугунги кунда Ўзбекистон брендини дунёга кенгроқ танитиш мақсадида Ю.Стойнов (Россия), Р.Бери (Ҳиндистон) ва Далер Юсуф (Малайзия) Ўзбекистоннинг туристик бренди элчилари этиб тайинланди.

Испанияда Ўзбекистонга бағишланган дунёга машҳур "Le Petit Futé" туристик қўлланмаси испан тилида, умумий ти-

Зиёда РАСУЛОВА

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш куни том маънода инсонпарварликнинг энг олий кўринишидир. Хотира ва қадрлаш тушунчалари миллий қадриятларимизнинг бебаҳо маҳсули, яшашнинг, тирикликнинг азалий маъносидир. Марҳумларни хотирлаган, кексаларни эъзозлаган, тарихини улуғлаган ва аждодларига муносиб фарзанд тарбиялаган миллатнинг эртаси ҳамиша нурафшондир.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни олдиндан уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг хотираси ёдга олиниб, уларга эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилаётди.

арафасида янада яққол намоён бўлади. Инсон хотирасига ҳурмат кўрсатиш, уларнинг эзгу ишларини қадрлаш эса, одамлиқнинг олий мезонидир, – дейди Ёнгин хавфсизлиги институти матбуот котиби Шерали Анваров. – Энг асосийси юртимизда тинчлик ҳамда осойишталик баробарида инсон хотираси ва инсон қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётгани барчамиз учун тенгсиз ибрат мактабидир...

– Мамлакатимизда ҳукм сураётган бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етишимиз лозим, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳамед Хусайнов. – Зеро, осойишталик тўқин ва фаровон ҳаётнинг муҳим гаровидир. Мен фурсатдан фойдаланиб бизни йўқлаб келган, кўнглимизни олишга ва дилимизни ёритишга муносиб ҳисса кўшган Ёнгин хавфсизлиги институти раҳбарияти ва жамоасига кечсиз миннатдорлик билдираман.


Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти ва Афғон уруши иштирокчиларига ҳамда меҳнат фахрийларига Ёнгин хавфсизлиги институти жамоаси томонидан тақдим қилинган совғалар ва гуллар уларнинг қалбига бир олам қувонч бағишлади.

Пансионат ҳудудида турли гул ва сабзавот кўчатлари экилиб, ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши ҳам нурунийларнинг кўнглига хушнудлик бахш этди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган байрам тадбирлари ва фахрийларимиз хонадонларига ташрифлар пойтахтимизнинг барча туманларда юксак савияда ўтказилмоқда.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини эъзозлаш ва уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган беқиёс рағбат алоҳида эътирофга лойиқдир.



МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Уруш ва унинг инсоният учун келтирган кулфатларини айтиб адоғига етиб бўлмайди. Бу урушда бир ярим миллиондан зиёд ўзбекистонликлар ҳам иштирок этганлиги ва фашизм устидан қозонилган ғалабада уларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Оловли жангларда ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини ёд этиш ва шунинг билан бирга, урушдан эсон-омон қайтган юртдошларимизни ҳам моддий ва ҳам маънавий қўллаб-қувватлашда мамлакатимизда олиб борилаётган сийosat ўзига хос аҳамият касб этади.

Миробод туманида ҳам бу жаҳда бир қатор хайрли ишлар олиб борилмади. Туманда 27 нафар уруш фахрийлари истиқомат қилади. Улардан уч нафари фашистлар концлагерларининг собиқ маҳбуслари ва уч нафари эса Ленинград қамалида бўлганлар.

"Нуруний" жамғармаси туман бўлими ва маҳалла фаоллари туман ҳокимлиги ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади. Ҳар бир уруш фахрийси ўз худудларидagi тиббиёт муассасаларининг доимий назоратида. Улар нафақат даволанишда балки санаторийларда ҳам бепул дам олишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

масининг 2018 йил 28 апрелдаги 317-сонли қарорига асосан уруш фахрийларига ҳар ойда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиеник товарлар, кийим-кечак тўплами ва бошқа амалий ёрдамлар бериб борилмади.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги Фармон ва қарорлари асосида "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият" ҳамда "Эътибор ва ғамхўрлик – инсонийлик бурч" шiori остида бир қатор тадбирларни уюштирмакдамыз.

Бир сўз билан айтганда туманимизда тадбирларни намунали ва ибратли тарзда ўтказиш юзасидан режалар белгиланган бўлиб, улар бугунги кунда ҳаётга татбиқ этиляпти. Фахрийларни иззат-ҳурматини жойига қўйиб, уларни кайфиятини янада кўтариш мақсадида асосий тадбир 9 май арафасида "Фурқат" номидаги истироҳат боғида бўлиб ўтади.

Шу кун боғда оммавий сайл ҳам ташкил этилади. Унда элимизнинг севилими санъаткорлари, ҳарбийлар ва спортчилар иштирокида кўргазмали чиқишлар, ҳарбий техникалар кўргазмаси, ўша даврлар акс эттирилган кинофильмлардан лавҳалар ва бошқа кўнгилочар сахналар намойишлари бўлиб ўтади.

Ҳабибулла МАНСУРОВ, "Нуруний" жамғармаси Миробод туман бўлими раиси

"ШАРАФ ЛЕНТАСИ" ВАТАНПАРВАРЛИК ТҮЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан "Шараф лентаси"ни улашиш акцияси давом этмоқда.

Ана шундай тадбирларда мутасадди ташкилотлар вакиллари, маънавий тарбиячилари, фан, таълим ва маданият намояндалари, талаба-ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Сергеи туманида жойлашган янги кўп қаватли уйларида ҳуқуқий тарғибот кўни доирасида "Шараф лентаси" тадбир иштирокчиларига ҳамда фахрийлар, нурунийларга тақил-

ди. Тадбирга Темурбеклар мактаби ва Қизлархон клубининг фаол ёшлари жалб этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергеи тумани Кенгаши фаоллари "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар ва гулдасталар тақдим этишди.

Тадбирга Темурбеклар мактаби ва Қизлархон клубининг фаол ёшлари жалб этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергеи тумани Кенгаши фаоллари "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар ва гулдасталар тақдим этишди.

акциясида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши вакиллари ҳам муносиб иштирок этмоқда.

Турли корхона-ташкилотларда ўқувчи-ёшлар томонидан "Шараф лентаси"ни улашиш акциялари ўтказилди. Жумладан, "Orient Finans bank" ходимлари ва банк миждозларига "Шараф лентаси" кенг тарғиб этилиб, тақиб қўйилди.

Азизбек ИКРОМОВ

ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-маънавий ўрин касб этади.

Бу кунда кекса-ю ёш Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни ёд этиш учун Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйиш учун зиёрат қилишади. Шунингдек, меҳнат фронти ортида кечаю кундуз хизмат қилган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур ЎСТК" унитар корхонаси, туман "Нуруний" жамғармаси масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан аждодларни хотирлаш, эзгу ишларини ёдга олиш, қолаверса, бу ёрғун дунёда умргузаронлик қилиб, кексалик гашини сураётган фахрийларимизни ардоқлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда давом этмоқда. Шундай тадбирлардан бири "Нуруний" жамғармаси Республикаси Бошқаруви томонидан "Уммон" тўйхонасида "Хотира – улғ, Қадр – муқаддас" мавзусида

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси абадийлаштирилиб, бугун сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, келажагимиз бўлган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларимиз ҳар томонлама эъзозланмоқда.

Фашизм устидан қозонилган ғалабада 74 йил бўлаётган бўлса-да, хали-хуноз унинг аччиқ изтироблари юраклардан кетмаган. Бугунги кунга келиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан эсон-омон қайтган боболаримиз, фронт ортида оғир кунларни сабрбардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзликни йўқотмаган, "бир майисни қирққа бўлиб" ёган, оғизидagi лукмасини ҳам бировларга илгинган иймони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий аянчанга айланди. Халқимиз бу бешавкат жангларда ҳалок бўлган ярим миллиондан зиёд ўзбекистонликлар хотирасини ёдда мангу сақлайди. Кундан-кун сангондан камайиб бораётган юрт фидойилари – Ватан учун жон олиб, жон берганларга ҳар қанча эъзоз-эҳтиром кўрсатсак ҳам оз.

Ҳар бир гўшада ўтганлар хотирасини ёд олиш, барҳайларини асраб-авайлаш давом этмоқда. Шундай тадбирлардан бири "Нуруний" жамғармаси Республикаси Бошқаруви томонидан "Уммон" тўйхонасида "Хотира – улғ, Қадр – муқаддас" мавзусида

ўтказилди. Тадбирда ўз жонини гаровга қўйиб, Ватан ҳимояси учун курашган уруш фахрийлари, меҳнат фронти, Терроризмга қарши кураш "Ватан" хайрия фонди, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирок этди. Тадбирни Бошқарув раиси ўринбосари Х.Мирзажонова очиб, меҳмонларни байрам ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар ва гулдасталар тақдим этишди.

Уруш қатнашчиларидан даярли бир аср билан юзлашиб арафасида турган, ғалаба Берлин шаҳрида қутиб олган С.Матисаков, Н.Денисенко, М.Муҳамедов, концлагер тулқун Р.Аскарлов, Ленинград қамали азоб-ўқубатларини бошидан кечирган Ю.Смолич, Г.Каломишлар уруш ҳақидаги ўз хотиралари ҳақида гапириб, ёшларга энди сира ҳам уруш бўлмаслиги учун яхши ўқиш кераклиги, атрафда бўлаётган ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, доимо хушёр, оғоқ бўлиш, инсон учун ўзи туғилиб ўсган заминдан муқаддас, қадри жой йўқлиги ҳақидаги фикрлар билдирилди. "Ватан" хайрия жамоат фондидан ташриф буюрган фонд раиси А.Абдуманнапов, ва бошқалар

тинчлигимизга раҳна соладиган, аҳиллигимизни кўра олмайдиган нијати бузуқ кимсалар ҳамма даврларда ҳам бор бўлганлиги, юрт ҳимояси учун барчамиз масъуллигимиз, ёшларимизни бугунги глобаллашув жараёнида онгини заҳарланмишдан, турли хил ахборот хуружлари ва "маънавий таҳдид"лардан асраб-авайлашимиз ҳамда оғоқ ва хушёр бўлишимиз кераклиги ҳақида айтиб ўтишди.

Байрам тадбирида иштирок этган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси институти талабаларининг чиқишлари ҳамда Ўзбекистон халқ артистлари Ҳайрулла Лутфуллаев, Марям Сатторовна, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъаткорлар М.Юнусова, Х.Исроилваларнинг жонли ижродаги қўшиқлари табаруқ фахрийларини ҳам даврда хиром айлашга ўндади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Ҳакимовнинг жанговар руҳда қўйилган қўшиқлари даврага янада файз киритди. Уи авлод учрашув "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шiori остида юқори савияда ўтди.

Гулчехра КАРИМОВА

ТАРИХИЙ ХОТИРАГА АЙЛАНАЁТГАН МАРДЛИК

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, урушда мардонавор жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошидан кечирган қаҳрамонлар ва халқимиз асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қўриб қилганлар хотираси ҳаммиш эъди-миздадир. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёда ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёддан чиқармайди.

2019 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ва "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Хотира ва Қадрлаш кунига ба-

ғишланган умумхалқ байрами тадбирларни ўтказиш "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шiori остида ўтказилиши ҳам беҳизга эмас. Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида машаққат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш ҳаммамиз учун шараф.

Ўзбек халқи азал-азалдан тинчликсевар. Ҳар бир инсонга ҳар кун тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир.

Хотира ва Қадрлаш куни энди ўзгача, аниқроғи, миллий ҳусусият касб эта бошлади. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти бүткул ўзгарди – у халқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

Халқ хотираси деганда киши кўз ўнгидан Ватан ибтидосидан бугунгича қадар шу юрт, шу халқ деб курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар бир-бир ўтади. Спитамен, Широкдан Туркон Хотун, Махмуд Торобийгача, Сохиққирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Заҳириддин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Манғубердидан, Наҳмиддин Куброгача ёдга тушаверади.

Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзанди эди. Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Инсон бор экан, хотира – муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди.

Шерали КАМБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси ўқитувчиси, подполковник

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида жорий йил 1 чораги давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан "Ҳар бир мурожаат эътиборда" мавзусида видеоконференция шаклида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Шукуров, Давлат божхона қўмитасининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Х.Сатторов ва бошқа мутасадди вакиллар иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоблар беришди. Таъкидланганидек, бугунги кунда халқ билан мулоқот, ҳусусан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ривожлантиришга доир юртимизда олиб борилаётган қатъий ва ибратли сийosat, қабул қилинаётган қонун ва қонунчи ҳужжатлари кенг маънода барча жабҳалардаги ютуқларимизга туртки бўлмоқда.

Давлат божхона хизмати органларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солидиган давлат қонунчилиги, демократик талаб ва стандартларга ҳар томонлама мос келадиган мустаҳкам меъёрий ҳужжатлар базаси яратилди ва кундан-кунга такомиллаштирилмоқда.

Мурожаатлар билан ишлашда қўмита марказий аппарати ва божхона хизмати органларининг энг кўйи таркибий тузилмаси – божхона постларига қўмитанинг идоравий назорати олинган. Талабчанликни қўчайтириш мақсадида уларнинг фаолияти устидан қўмита раҳбарияти ва тузилмалар бошлиқлари томонидан мониторинг ўрнатилган.

Шу аснода давлат бошқарув идоралари қатори, божхона хизмати органларида ҳам халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш махсус буйруқ билан хизмат ва иш фаолиятининг асосий ҳал қилувчи устувор йўналиши, иш кўрсаткичларини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири қилиб белгиланди.

Айнан мурожаатлар билан ишлаш бўйича божхона хизмати органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган алоҳида тузилма шакллантирилди. Давлат божхона қўмитасининг барча тузилмалари, ҳусусан энг узок, энг оғир ва қийин шароитларда фаолият олиб бораётган божхона постлари ва пунктларида ҳам замонавий талаблар асосида жиҳозланган жисмоний ҳамда юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш учун шароитлар яратилди, қабулхоналар ташкил қилинди.

Шу билан бирга, тезкорликни таъминлаш, бюрократик тўсиқларга барҳам бериш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига муаммолари ва ечимини топмаган масалалар бўйича худудий бошқарма аппарати бўғинсиз, бевосита божхона хизмати органларининг энг қўйи таркибий тузилмаси – божхона постларига расмий равишда хат билан мурожаат қилиш, пост бошлиқларининг имзоси билан жавоб хатлари юбориш амалиёти йўлга қўйилди.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида юзага келаётган муаммоларни тўлиқ ўрганиш, ечимини топмаган ҳар бир мурожаатни амалдаги қонунчилик талаблари асосида ижобий ҳал этиш, яратилган имкониятларни кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда божхона хизмати органлари раҳбарлари томонидан 31 та сайёр қабуллар ўтказилди. Бу орқали халқ билан янада яқинлашувга эришилди, мавжуд муаммоларнинг аниқ таҳлили вужудга келди.

Раҳбарларнинг қабул жадвалига мувофиқ, "қоғозда" эмас, амалда фуқаролар қабули ўтказилмоқда. Шахсан қўмита раиси томонидан 40 нафар, қўмита раҳбарияти томонидан жами 150 нафарга яқин мурожаатчи қабул қилинди.

"Еназорат" дастури орқали келиб тушган мурожаатлар онлайн тарзда назорат қилинмоқда. 2019 йилнинг биринчи чорагида жами 706 та, шундан жисмоний шахслардан 662 та, юридик шахслардан 44 та мурожаатлар келиб тушди ва назоратта олинди. Келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан жами 213 тага камайди.

Мурожаатларнинг 270 та (38,2 фоиз), электрон кўринишида, 200 та (28,3 фоиз), ёзма шаклда ва 236 таси (33,4 фоиз) оғзаки мурожаатлар ташкил этди.

Шундан, 356 таси (50,4 фоиз) божхона тўловларидан имтиёз ва преференциялар олиш, божхона назорати ва расмийлаштируви масаласида, 152 таси (21,5 фоиз) божхона органлари хизматига кириш, қайта тиклаш ва ротация қилиш масаласида, 40 таси (5,6 фоиз) божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатидан норози бўлиб йўлланган мурожаатлар, 32 таси (4,5 фоиз) мусодара этилган товарларни қайтариб олиш масаласида ва 126 тасини (17,8 фоиз) бошқа масалалар ташкил қилади.

Келиб тушган мурожаатларнинг барчаси алоҳида назоратта олиниб, 224 таси қаноатлантирилди, 446 тасига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ҳуқуқий тушунтириш берилди, 36 таси рад этилди. Рад этилган мурожаатларнинг асосий қисмини салбий сабабларга кўра хизматдан бўшатишнинг собиқ ходимларнинг хизматга қайта тиклаш мақсадида қилган мурожаатлари ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали жами 340 та мурожаатлар келиб тушди.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш борасида Давлат божхона қўмитасида 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб, сутка давомида ишловчи қўсқа 1108 рақамли "Ишонч телефони" маркази ("call" марказ) фаолият юритмоқда. "Ишонч телефони"га 158 та мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатлар билан очик ва самимий гаплашиш, уларнинг дардини эшитиш билан бир қаторда, божхона хизмати органларига келиб тушаётган ҳар бир мурожаатни эътиборга олиб, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, ҳал этиш ва бу йўналишда сустаклиги, бепарволикка йўл қўйган масъул шахсларга муросасиз бўлиш, жазо муқарарлигини таъминлаш божхона хизмати органлари фаолиятида биринчи ўринга қўйиб келинмоқда.

Тадбир сўнгига иштирокчилар ўзларини қизқирган саволларига атрафлича жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА


РЕКЛАМА ВА ЭЪТИБОР

"Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас қўл кадастри" давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор б-мавзе, 41-уй, 71-хонадон учун Қокина Раиса Ивановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2016 йилда Кодиров Шаҳофиддин Хусниддин ўғли номига берилган К № 4467849 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Яқасарой тумани, Тулиной кўчаси, 16-уй эгаси Абдуразақова Дилрабо Хуршидовна номига туман кадастр хизмати томонидан берилган ўй план кадастр ҳужжатлари ва TS 0091325-сонли ер участкаси ва TS 0341640 сонли бино-иншоот гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АЗИЗ ВА МЎЎТАБАР ОТАХОН-ОНАХОНЛАР, УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙЛАРИ БЎЛГАН ТАБАРРУК НУРОНИЙЛАР!



*Барчангизни 9 май – Хотира ва
Қадрлаш куни билан дилдаги энг эзгу
тилакларни изҳор этган ҳолда қутлаймиз.
Соғ-саломат бўлинг, хонадонингиздан
файзу-барака асло аримасин.
Эл-юрт тинчлиги-хотиржамлиги ва
фаровонлигини сўраган ҳолда қилган
дуоларингиз доимо ижобат бўлсин!*

**ЎЗБЕКИСТОН ФАҲРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
“НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

Туманларда

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Яккасарой тумани ҳокимлигида Республика Хотин-қизлар қўмитаси эксперти, профессор, файласуф олима, сиёсатшунос Жамила Шермухамедова иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти, видеоселектор мажлисидаги ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 муҳим ташаббусини амалга ошириш борасида Яккасарой туманида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида тушунтиришлар берилди.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги-

ни ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарга қарши самарали курашиш, аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, “маҳалла – туман – вилоят – республика” принциплари асосида худудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуни-

кация технологияларини кенг жорий этиш масалалари хусусида сўз борди.

Оиланинг муқаддаслиги, тинч-хотиржам кунларимизга шукроналик, қадрият, миллий удумларимиз, урф-одатларимиз, тарихда ўтган буюк аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссалари, руҳий ва маънавий тарбия, ҳалоллик, поклик, камтарлик, камсуқумлик, ота-она қадри, тўйларни ихчамлаштирилган ҳолда ташкил этиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, ҳар биримиз менинг оилам, бу бизнинг оиламиз, менинг ташкилотим, бу бизнинг ташкилотимиз, менинг маҳаллам, бизнинг маҳалламиз, менинг Ватаним – бизнинг Ватанимиз деган пурмаъно сўзларни ўзимизга шиор қилиб олишимиз лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Юқоридаги мавзулар юзасидан бундан кейин ҳам давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар ташкил этиб боришга келишиб олинди.

Фулмонжон МУСАЕВ,
Яккасарой тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати раҳбари

ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ёшлар мамлакат таянчи, эртанги кундан умидимиз, эзгу ишларимиз давомчиси.

Бундай эзгу ғоя остида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни ватанпарвар, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрловчи, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларимизнинг амалда ўзини намоён қилиши учун кенг имкониятлар ва шароитлар яратилмоқда.

Турли танловлар ва мусобақаларда маҳоратларини намоён этишмоқда. Ана шундай мусобақалардан бири “Темурбеклар” ҳарбий-спорт мусобақаси ҳам ёшларимизда катта қизиқиш уйғотгани бежизга эмас. Ушбу мусобақанинг шаҳар босқичи кунга кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси, “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда бир неча ҳамаюрт ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган мусобақада пойтахтимиздаги барча туманлардан сараланган 10-11 синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этди.

“Темурбеклар” ҳарбий-спорт мусобақаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Жисмоний тарбия ва спорт, Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият, Соғлиқни

сақлаш вазирликлари раҳбарияти томонидан имзоланган қарорга мувофиқ таъсис этилган бўлиб, мусобақа умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

Мусобақа моҳир мерган, ҳарбий-лаштрингист эстафета, жабрланувчи-га биринчи ёрдам кўрсатиш, ҳарбий автоматни йиғиш, сафда қўшиқ айтиш ва бошқа шартлар бўйича ташкил этилди.

Мусобақани ўтказишдан қўзланган мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортга оммавий жалб қилиш, уларда дастлабки ҳарбий ва психологик, қийин ва экстремал вазиятларда тўғри ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Мусобақа натижаларига кўра У.Хабибов бошчилигидаги “Темурбеклар” жамоаси (Учтепа туманидаги 44-мактаб ўқувчилари) мутлоқ ғолибликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни “Темур ворислари” жамоаси (Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқувчилари), “Ватанпарвар” жамоаси (Миробод туманидаги 125-мактаб ўқувчилари) эса кучли учталиқдан жой олди.

Тадбир сўнгиде иштирокчиларга кубок, медаль, китоблар ва ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Сарвиноз УСМОНОВА

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

**Ўзбек давлат миллий академик драма театрида
“Китоб беминнат дўст – инсоннинг маънавият кўёши”
мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирни Сергели туман ҳокими ўринбосари М.Хидиров очиб, китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ёшларимизни атрофда бўлаётган турли хил “маънавий таҳдид”лар, “ахборот хуружлари”дан асрашда уни ўрни, оилада китоб мутолаасига алоҳида эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикрларни билдирди. Сўзга чиққан Халқаро А.Темур экспедицияси раҳбари Ф.Ашрафхўжаев, Ўзбекистон халқ ҳофиси Х.Ражабий, шоира А.Азизова, хонанда А.Усмоновлар китоб беминнат дўст эканлиги, китоб мутолааси интернетдан кўра афзаллиги, у орқали бой миллий қадриятларимиз, тарихимиздан баҳраманд бўлиш мумкинлиги, китоб тафаккуримизни чархлаши ҳақида сўз

юритдилар.

Тадбир доирасида шоира Ф.Усмонованинг “Қалбим ардоғи” номли янги бир услуб-мувашшах услубида ёзилган китоби тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Эл ардоғида бўлган марҳум шоир, ёзувчи, санъаткорларнинг номи эсланди. “Турон” студияси томонидан саҳна кўринишлари намойиш этилди. Бир гуруҳ ёшлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва шоиранинг шеърларидан ўқиб бердилар.

Тадбир сўнгиде иштирокчиларга Ф.Усмонованинг китоблари совға қилинди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган дилбар куй-қўшиқлар тадбирга жозиба бағишлади.

Гулчеҳра МИРСУЛТОН қизи


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Октепа кўчаси, 29-уй эгаси Исмаилова Муаззам номига кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтининг томонидан 2008 йилда Шарипов Амирбек Робертович номига берилган № 358126 рақамли (1528-руйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Узоқни кўзлаган атрофидаги майда-чуйдаларга эътибор бермайди.

* * *

Ўзи интилмаган бошқага ҳам йўл бермайди.

* * *

Баъзилар тасодифдан ҳам қонуният излайди.

* * *

Шошилмасанг, тўғри қарор қабул қиласан.

* * *

Ким қўлидан келганини қилади, Ким кўнглига келганини.

* * *

Бекорчининг иши бошқаларга ҳалақит бериш.

* * *

Имконият осмондан тушмайди — уни яратиш, излаб топиш керак.

* * *

Иззатталаб ўз обрўсини ўзи тўқади.

* * *

Хотиржамлик — энг улуғ неъмат.

* * *

Бировники буюрмас.

* * *

Ҳаётдан рози одам хуш-хурсанд яшайди.

* * *

Бировнинг йўлига ғов бўлганнинг ўзини йўлдан оладилар.

* * *

Пасткашнинг ҳурмати бўлмайди.

* * *

Борига шукр қилмаган боридан ҳам ажралади.

* * *

Нодон ҳеч қачон феълени ўзгаришига уринмайди.

* * *

Астойдил излаган топмай қўймади.

* * *

Худбинлик нодонликдан.

* * *

Жанжал билан иш битмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 06.02.2019 йилда № 681824 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “DILMUROD METALL HAMKOR” МЧЖ (СТИР 306099814) таъсисчининг 03.05.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Мунаввар кўчаси, 17-уй, 1-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: (+99893) 510-79-79.

Тошкент Молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири Наим Халимович Обломуродовга ўқаси

Курбонкул Халимович ОБЛОМУРАДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент шаҳрида 9 май кунини ҳаво ўзгариш турлари, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундага 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 15-17, кундузи — 31-33 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 9 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2173 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15:50